



## بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

أَحْمَدُ لِلَّهِ الَّذِي حَثَّ عِبَادَهُ عَلَى التَّحْلِي بِالآدَابِ، وَوَعَدَهُمْ عَلَى ذَلِكَ جَزِيلَ الشَّوَابِ وَالصَّلَاةِ وَالسَّلَامُ عَلَى  
مُحَمَّدٍ الَّذِي سَيَّدَ أُولَئِكَ الْأَلْبَابِ وَعَلَى آئِهِ وَأَصْحَابِهِ الطَّاهِرِينَ وَمَنْ تَعَهَّمْ بِإِحْسَانٍ أَمَّا بَعْدُ.

### МУСУЛМОН КИШИННИГ КУНДАЛИК ОДОБЛАРИ

Муҳтарам жамоат! Муқаддас Ислом дини бир жамиятда яшаётган инсонларни ўзаро тинч-тотув яшашларига буюар экан, уларни ўртасида меҳр-оқибат, бир-бирларига нисбатан ҳурмат бўлишигини талаб этади. Айни пайтда ана шу меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат ришталарини пайдо қиласиган, уларни янада мустаҳкам бўлишига сабаб бўладиган омилларни ҳам таълим беради. Буларни бир сўз билан ижтимоий одоблар, деб номланади. Биз қўйида ана шундай ижтимоий одобларнинг энг муҳимларидан баъзи бирларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

► **Биринчиси,** ўзаро саломлашувни одатга айлантириш. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، لَا تَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ حَتَّىٰ تُؤْمِنُوا، وَلَا تُؤْمِنُوا حَتَّىٰ تَحَبُّو، أَوْلًا أَذْلُكُمْ عَلَىٰ شَيْءٍ إِذَا  
فَعَلْتُمُوهُ تَحَابَبْتُمْ؟ أَفْشُوا السَّلَامَ بَيْنَكُمْ (رواه الإمام مسلم).

яъни: “Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, то мўмин бўлмагунингизча, жаннатга кирмайсиз, то бир-бирингизга меҳр-муҳаббатли бўлмагунингизча, мўмин бўлмайсиз. Мен сизларга бир нарсани ўргатайми, гар уни қилсангиз, бир-бирингизга меҳр-муҳаббатли бўласиз?! Ўзаро саломлашиб юришини кенг жорий қилинг!” (Имом Муслим ривояти).

► **Иккинчиси,** бир неча киши ўзаро сухбатлашиб турганда, уларни орасидан икки киши ажралиб чиқиб сирлашмаслик. Бу ҳақда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар:

إِذَا كُنْتُمْ ثَلَاثَةً فَلَا يَتَنَاجِي إِنْثَانٌ دُونَ الثَّالِثِ مِنْ أَجْلِ أَنَّ ذَلِكَ يُخِيْنُهُ (رواه الشیخان).

яъни: “Қачон уч киши бўлсангиз, учинчини қўйиб, иккингиз сирлашмангиз. Чунки бу ишингиз уни хафа қиласди” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган).

► **Учинчиси,** ўзгаларга нисбатан тавозе ва ҳалим бўлиш. Зоро, Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломнинг инсонлар орасида меҳр-муҳаббат қозонишларига сабаб бўлган энг гўзал фазилатлари айнан тавозе ва ҳалим бўлганликларида эканини баён қилиб, Қуръони каримда шундай марҳамат қилган:

 **فِيمَا رَحْمَةً مِنَ اللَّهِ لِتَ هُمْ وَلَوْ كُنْتَ فَظًا غَلِيلًا الْقَلْبُ لَانْفَضُوا مِنْ حَوْلَكَ**

яъни: “Аллоҳнинг раҳмати сабабли (Сиз, эй, Мухаммад,) уларга (саҳобаларга) мулойимлик қилдингиз. Агар дағал ва тошбағир бўлганингизда, албатта, (улар) атрофингиздан тарқалиб кетган бўлур эдилар” (Оли Имрон сураси, 159-оят). Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

إِنَّ اللَّهَ أَوْحَى إِلَيَّ: أَنْ تَوَاضَعُوا حَتَّىٰ لَا يُفْخَرَ أَحَدٌ عَلَىٰ أَحَدٍ ، وَلَا يَبْغِي أَحَدٌ عَلَىٰ أَحَدٍ (رواه الامام مسلم).

яъни: “Аллоҳ таоло менга: бир-бирингизга тавозе бўлинг, токи бирор кимса бирор кимсага мақтанчоқлик қилмасин, бирор кимса бирор кимсага тажсовуз қилмасин, дея ваҳий қилди” (Имом Муслим ривояти).

➤ Тўртингиси, ўзгалар билан муомалада ростгўй ва самимий насиҳатгўй бўлиш. Аллоҳ таоло Ўзининг Каломида марҳамат қиласи:

 **يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَكُونُوا مَعَ الصَّادِقِينَ**

яъни: “Эй, имон келтирганлар! Аллоҳдан қўрқингиз ва (имонда) содик кишилар билан бирга бўлингиз!” (Тавба сураси, 119-оят). Қуйидаги ҳадисда барчага бирдек самимий насиҳатгўй бўлиш – диннинг асоси эканлигини Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам баён қилганлар:

الَّدِينُ النَّصِيحَةُ، قُلْنَا: لِمَنْ؟ قَالَ: لِلَّهِ، وَلِرَسُولِهِ، وَلِكَتَابِهِ، وَلِأَئِمَّةِ الْمُسْلِمِينَ، وَعَامَّتِهِمْ (رواه الامام مسلم).

яъни: “Дин насиҳатдир” – дедилар. Биз: Кимга? – деб сўрадик. У зот: “Аллоҳга, Китобига, Расулига, мусулмонларнинг раҳбарларига ва мусулмон оммасига”, – деб жавоб бердилар (Имом Муслим ривояти).

➤ Бепинчиси, яхшилик ва тақво ишларида ўзаро ҳамкорлик қилиш. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шунга буюради:

 **وَتَعَاوُنُوا عَلَى الْإِيمَانِ وَالْتَّقْوَىٰ**

яъни: “Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз” (Моида сураси, 2-оят). Пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларининг бирида айтадилар:

اَنْصُرْ اَخَاكَ ظَالِمًاً اَوْ مَظْلُومًاً ، قَيْلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ نُصْرَتُهُ مَظْلُومًاً، فَكَيْفَ اَنْصُرُ ظَالِمًاً؟ ، قَالَ: " تَمْنَعُهُ مِنَ الظُّلُمِ ،

فَدَلِكَ نُصْرَتُكَ إِيَاهُ" (رواه الامام البخاري).

яъни: “Биродарингизга золим бўлса ҳам, мазлум бўлса ҳам, ёрдам беринг”, дедилар. Саҳобалар: Мазлумга қандай ёрдам бериш кераклигини биламиз. Аммо, золимга қандай ёрдам берамиз, дейишди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: “Зулм қилишидан тўсасиз ва ана шу унга берган ёрдамингиз бўлади”, – дедилар (Имом Бухорий ривояти).

➤ Олтинчиси, ўзгаларга нисбатан ишончли ва омонатдор бўлиш. Зоро, омонатдорлик мўмин кишига хос бўлган ахлоқлардандир. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

الْمُسْلِمُ مَنْ سَلَمَ الْمُسْلِمُونَ مِنْ لِسَانِهِ وَبِدَهِ، وَالْمُؤْمِنُ مَنْ أَمِنَهُ النَّاسُ عَلَىٰ دِمَائِهِمْ وَأَمْوَالِهِمْ (رواه الامام الترمذи).

яъни: “Ҳақиқий мусулмон киши – унинг тилидан ва қўлидан бошқа мусулмонлар саломат бўлган киши. Ҳақиқий мўмин эса – одамлар унга қонлари ва молларини ишонган кишиидир” (Имом Термизий ривояти).

➤ **Еттинчиси, аҳдга вафо қилиш.** Аллоҳ таоло Қуръони каримда аҳдга вафо қилишга, ўзаро битим ва шартномаларни бажаришга буюрган. Жумладан, Моида сурасининг 1-оятини шундай бошлайди:

يَا أَيُّهَا النَّٰٓءِ آمَنُوا أَوْفُوا بِالْعُهُودِ

яъни: “Эй, имон келтирғанлар! Битимлар (аҳдлар)га вафо қилингиз!”.  
Бошқа бир оятда,

وَأَوْفُوا بِالْعَهْدِ إِنَّ الْعَهْدَ كَانَ مَسْئُولًا

яъни: “Аҳдга вафо қилингиз! Зеро, аҳд-паймон (қиёмат куни) сўраладиган ишдир”, деб марҳамат қилган (Исро сураси, 34-оят).

**Муҳтарам азизлар!** Юқорида санаб ўтилганлар энг зарур кундалик одоблардан баъзилари бўлиб, буларга риоя қилиш жамиятда тинчлик ва барқарорликни вужудга келишига сабаб бўлса, буларнинг зидди бўлмиш тақаббурлик, ёлғончилик, гуноҳ ва маъсият ишларда ҳамкорлик қилиш (коррупция), омонатга хиёнат қилиш, ваъдага вафо қилмаслик каби салбий иллатлар ҳам борки, улар жамиятда парокандалик ва турли хилдаги жиноятларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун динимизда амри маъруф ва наҳий мункар фарз қилинганки, жамиятдаги кишиларнинг бир-бирларини доимо яхшиликка буюриб, ёмонликлардан қайтариб туришлари жамиятнинг гуллаб яшнаши, турмушда файз ва бараканинг зиёда бўлишига асосий омил бўлади.

**Муҳтарам жамоат!** Мавъизамиз давомида намоздаги **аввалги сафга боғлиқ баъзи хукмлар** ҳақида сұхбатлашамиз.

Сафларни аввалгисидан бошлаб тўлдириб бориш – суннатдир. Баъзи фуқаҳолар вожиб деганлар. Биринчи саф тўлмай туриб, кейинги сафга турилмайди. Иккинчи саф тўлмасидан учинчиси бошланмайди. Гоҳида иккинчи сафни масжидни бурчагидан бошлаганларни кўриб қоламиз, бу тўғри эмас. Аслида, иккинчи сафни тўлдириш имомнинг тўғрисидан бошланади ва икки томонни бир хил тўлдириб борилади. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам биринчи сафда намоз ўқишининг фазилати ҳақида шундай деганлар:

Абу Ҳурайра разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: “*Агар одамлар аzon ва биринчи сафда қандай савоб борлигини билиб, кейин унга қуръа ташлашдан бошқа илож топилмаса, шубҳасиз, қуръа ташлаган бўлардилар. Агар намозга эртароқ боришида нима борлигини билганларида, унга мусобақа қилган бўлардилар. Агар хуфтон ва бомдодда нима борлигини билганларида, у иккисига эмаклаб бўлса ҳам келардилар*” – дедилар”. (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган).

Яъни, қуръа билан бўлса ҳам, биринчи қатордан жой олардингиз, дейилмоқда. Ўзини аввалги сафлардан орқага тортаётган кишиларни кўриб, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадислари ёдимизга тушади: “...*Бир қавм доим ўзини орқага тортаверади, Аллоҳ ҳам уларни орқага суриб қўяди*”, – дедилар (Имом Абу Довуд ва Имом Байҳақий ривоятлари). Шунинг учун ким масжидга биринчи келса, аввалги қатордаги

бўш жойларни тўлдириб бориши керак бўлади. Ўзини орқага тортиб, охирги сафга ўтириб олиш – суннатга хилофдир.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анхумодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: “*Сафларни текисланглар, елкаларни баробар қилинглар, орадаги очик жойларни тўлдиринглар, биродарингиз қўлларига мулойим бўлинглар, шайтонга бўши жой қолдирманглар. Ким сафни уласа, Аллоҳ уни (ўз раҳмати билан) уласин. Ким сафни узса, Аллоҳ уни (раҳматидан) узиб қўйсин*” – дедилар” (Имом Абу Довуд ривоят қилган).

Одамларга озор бериб, уларнинг елкаларидан ҳатлаб ўтиб, олдинга интилиш мумкин эмас. Абдуллоҳ ибн Буср разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Жума куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам хутба қилаётганларида бир киши одамларнинг елкасидан ҳатлаб олдинга ўта бошлиди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: “*Ўтири, сен одамларга озор бердинг*” – дедилар” (Имом Абу Довуд ривояти).

Сафда турғанлар сафни тўғри тутиш билан бирга, ораларида очик жой қолдирмасликлари керак. Агар сафда бир киши сиғадиган микдорда очик жой бўлса, уни орқадаги киши тўлдириши керак бўлади. Олдинги сафда очик жой бўла туриб, намоз ўқиш макруҳdir. Намозга киришгандан кейин олдинги сафда очиқлик пайдо бўлса, уни тўлдириш мақсадида олдинга юриш ҳар бир руҳн (қиём, рукуъ)да икки қадамдан ошмаслиги шарт. Агар ошса, намоз бузилади.

Аллоҳ таоло юртимизни тинч, халқимиз фаровонлигини бунданда зиёда айласин. Омин!

*Мухтарам имом-домла! Келгуси жума маъruzаси “НАМОЗ – МЎМИННИНГ МЕЪРОЖИ” мавзусида бўлади. Жамоатга эълон қилишингизни сўраймиз.*